Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

ГАЗЕТА 1966 ЙИЛ 1 ИЮЛДАН ЧИҚА БОШЛАГАН. • № 89 (5. 980) • 1986 йил 17 апрель, пайшанба • Баҳоси 3 тийин.

КПСС XXVII съезди қарорлари ҳаётга!

# ЖАДАЛЛАШТИРИШ ВА СИФАТ— БЕШ ЙИЛЛИК ШИОРИ

**19 апрель—Бутуниттифоқ коммунистик шанбалик куни**

**Советлар мамлакати меҳнаткашлари! Мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш йўли билан жамиятнинг сифат жиҳатдан янги ҳолатига, коммунистик идеалларнинг тантанасига эришайлик!**

(КПСС Марказий Комитетининг 1986 йил 1 Май Чақириқларидан).

**«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»НИНГ ЎЗ МУХБИРЛАРИ ВА ЖАМОАТЧИ МУАЛЛИФЛАРИ ЁЗАДИЛАР**

## Юксак унумдорлик билан

**КЕЧА**

В. И. Ленин туғилган куннинг 116 йиллигига бағишлаб, 19 апрелда ўтказиладиган коммунистик шанбаликка тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича шаҳар штабининг навбатдаги мажлиси бўлди.

Киров, Куйбишев, Ленин, Октябрь, Сергели, Фрунзе ва Чилонзор районлари штабларининг бошлиқлари шаҳар районларининг коммунистик шанбаликка тайёргарлиги ҳақида ахборот бердилар.

«Қизил шанбалик» куни ободонлаштириш ва шаҳарни саришта қилиш бўйича бажариладиган иш кўлами ҳақида ободонлаштириш Бош бошқармасининг бошлиғи О. С. Расулов ва уй-жой бошқармасининг бошлиғи Л. А. Треханов сўзладилар.

Мажлисда, шунингдек, «Главташкентстрой» бошлиғининг ўринбосари Қ. А. Солиҳовнинг «Главташкентстрой» корхоналари ва ташкилотларида шанбаликка тайёргарлик ҳақидаги ахбороти ҳам тингланди.

Шаҳар штаби мажлисини Тошкент шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари А. И. Фозилбеков олиб борди.

## Тайёргарлик қизғин

**Бутуниттифоқ коммунистик шанбалик куни тобора яқинлашиб келмоқда. Шу куни юксак унум билан ишлаб, аъло сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга аҳд қилган шаҳримизнинг барча саноат ва қурилиш коллективлари меҳнат байрамига қизғин тайёргарлик кўришяпти. Ҳар бир корхона ва қурилиш ташкилотларида тузилган шанбалик штабида бажариладиган ишлар плани яна бир бор пишитиб олинмоқда. Шу муносабат билан мухбиримиз бир неча корхона ва қурилиш ташкилотлари билан боғланиб, жойларда меҳнат байрамига тайёргарлик юзасидан олиб борилаётган тадбирлар билан қизиқди.**

— Коллективимизда «Қизил шанбалик»ка қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Участка ва бригадалар ўз имкониятларини қайта ҳисоб-китоб қилишяпти. Барча резервларни ишга солишга ҳаракат қилинмоқда, — дейди шаҳримиздаги 1-уйсозлик комбинати партия ташкилотининг секретари Н. К. Реговановъ. — Кўпгина бригадаларимиз эса шанбалик кунида фақат тежалган материаллар ва электр энергияси ҳисобига ишлашмоқчи. Булар орасида Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, КПСС XXVII съезди делегати И. Орипов, илғор бригада бошлиқларидан Б. Холматов, М. Шибелевич ва бошқалар бор. Шу куни цех партия ташкилотлари ҳам янада жанговарлик руҳида ишлашади. Улар бажариладиган барча ишларга бош-қош бўлишади. Комбинатдаги 467 коммунистнинг ҳар бири биринчи навбатда ўзи ибрат кўрсатиб ишлайди.

Корхонамизда шанбалик штаби тузилган. Штабнинг навбатдаги йиғилишида меҳнат байрами куни бажариладиган ишлар плани яна бир бор пухталаб олинди.

Илғорлар ташаббусига биринчилар қаторида қўшиладиган коллективимиз шанбаликни ҳам юксак унумдорлик билан нишонлайди. Кўпгина бригадалар шу куни фақат аъло сифатга ишлашни ўз олдиларига мақсад қилиб олишган.

Комбинатимиз қурувчилари шанбалик шунида 90 минг сўмлик саноат ва 1 минг кубометр темир-бетон маҳсулотлари ишлаб чиқаришга аҳд қилишган. Шу куни коллективимиз 145 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини ҳам амалга оширади.

●

«Узбексельмаш» бирлашмаси — шаҳримиздаги йирик корхоналардан бири. Бу коллектив доҳиймиз В. И. Ленин туғилган куннинг 116 йиллиги шарафига коммунистик шанбалик ўтказиш ҳақидаги москваликларнинг ватанпарварлик ташаббусини биринчилар қаторида қўллаб-қувватлаган эди. Ҳозир корхонада бу кунга катта тайёргарлик кўрилмоқда. Бу ерда шанбалик штаби тузилган бўлиб, ундан хабар қилишларича, меҳнат байрами кунида корхона коллективи 25 сеялка, 25 мослама ва 10 минг сўмлик эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқаради.

Шанбаликда ишлаб топилган 15 минг сўм беш йиллик фондига ўтказилади. Заводнинг Р. Одилов, Л. Данилова, Н. Қодиров сингари пешқадам ишчилари меҳнат байрами кунида кунлик нормаларини 130—140 процентга етказиб бажарадилар.

Ўз зиммасига юксак мажбуриятлар олиб ишлаётган корхона меҳнат аҳли бу йил пландан ташқари 40 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаради.

●

«Главташкентстрой»нинг 4-қурилиш трестига қарашли 18-қурилиш бошқармаси бригадалари ўртасида бошланган ўзаро социалистик мусобақада В. Робертус бошлиқ бригада коллективи пешқадамлик қилмоқда. Бригаданинг барча 17 аъзоси турдош касбларни ўзлаштириб олган. Злобин методи асосида ишлаётган коллектив шу кунларда 1-Қорасув массивида қад кўтараётган 224 ўринли ётоқхона қурилишида ишламоқда.

19 апрель куни коммунистик шанбалик ўтказиш тўғрисидаги ватанпарварлик ташаббусига биринчилар қаторида қўшилган бунёдкорлар шу куни юксак унум билан ишлашга аҳд қилишди. Бригаданинг пешқадам қурувчиларидан М. Балкунов, Б. Безверхов, А. Федоровлар меҳнат байрами кунида смена топшириқларини икки ҳисса ортиғи билан бажаришга ваъда бердилар. Коллектив тахминий ҳисобларга кўра шанбалик кунида 3 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажаради.

●

Шаҳримиздаги чарм-галантерея ва спорт буюмлари бирлашмасида Муҳаббат Султонова бошчилик қилаётган комсомол-ёшлар бригадаси энг пешқадам коллективлардан бири ҳисобланади. Бригада аъзолари шанбалик кунида ҳам яхши натижаларни қўлга киритишни мўлжаллаб туришибди. Улар шу куни тежалган хом ашё ҳисобига меҳнат қилишмоқчи. Бригада ишчилари пландан ташқари 40 та буюм ишлаб чиқаришга аҳд қилишган. Коллективнинг бу ташаббусини корхонанинг барча меҳнат аҳли қўллаб-қувватлади. «Қизил шанбалик» кунида корхонада ишлаб чиқариладиган ҳар олти буюмдан бири тежалган хом ашё ҳисобига тайёрланади.

**Идеология ва ҳаёт**

## Асосий вазифа

Жадаллаштириш Программасини белгилаб берган КПСС XXVII съезди қарорларини кенг тушунтириш ва уни амалга ошириш В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг партия комитети диққат марказида турибди.

Бирлашма партия комитети съезд талаблари асосида жадаллаштиришнинг муҳим омилларидан бири бўлган фан-техника тараққиёти, янги техникани жорий этиш масаласини муҳокама этди. Унда сўзга чиққан бирлашма бош инженери В. Каль, пешқадам бригада бошлиғи В. Одилов ва бошқалар туб бурилиш босқичида фан-техника тараққиёти ютуқларини сабот билан жорий этиш, янги техникага кенг йўл очиб бериш меҳнат унумдорлигини оширишнинг, коллективни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштиришнинг асосий омилларидан бири эканлигини айтиб ўтишди. Айни пайтда бу борада тўпланган тажрибаларни кенг ёйиш, мавжуд камчиликларга барҳам бериш зарурлигини таъкидладилар. Бу борада партия комитети кенг ошкораликни таъминлаш, съезд белгилаб берган вазифаларни изчил амалга оширишга, идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларнинг барча воситаларидан унумли фойдаланиш, бу муҳим масалани барча цех партия ташкилотлари ўз ишларининг марказига қўйишлари юзасидан бир қатор тадбирлар белгилади.

## Талабчанлик руҳида

Янги, кенг миқёсли ва мураккаб вазифалар ҳар бир партия ташкилотини юксак талабчанлик ва жанговарлик асосида иш олиб боришга даъват этмоқда. «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг коммунистлари ҳам партия XXVII съезди талаблари асосида ўз ишларини чуқур, холисона ва ҳар томонлама таҳлил этмоқдалар. Съезд қарорларини изчил амалга ошириш учун меҳнат коллективлари ўртасида ўзаро социалистик мусобақа кенг тус олиб кетди. Коллектив ўн иккинчи беш йилликда меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш ҳаракатини кенгайтиряпти. Партия комитети улар ўртасида идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни кучайтиришга эътиборни қаратяпти.

Айниқса Х. Жалилов, А. Рўзиматов етакчилик қилаётган қаттиқ қотишмалар хизмати, механизациялаш ва автоматлаштириш конструкторлик технологик бюросининг цех партия ташкилотлари, шунингдек Н. Костяев бошчилик қилаётган конструкторлик хизмати цех партия ташкилоти ҳозирги талабларга ва вазифаларга мос келадиган амалий ва жанговар иш услубини қарор топтириш йўлида қизғин иш олиб бормоқда. Коммунистлар активлигини ва уларнинг етакчилик ролини оширишга эътибор қаратилмоқда. Л. Зокирова, А. Зубов сингари коммунистлар ишлаб чиқаришда қувончли ютуқларни қўлга киритишяпти.



**Ўзбек доирасининг довруғи бутун оламга таралган. Унинг садоси Париж ва Лондон, Деҳли ва Токио, Прага ва Қоҳира каби йирик шаҳарлардаги саҳналардан янграган. Биз концерт кўрганимизда доирани чалаётган санъаткорнинг маҳоратига қойил қоламиз-у, бироқ бу ажойиб музика асбобини кимлар яратганлиги ҳақида ўйламаймиз.**

**Ушбу суратда Тошкент экспериментал чолғу асбоблари фабрикаси доира тайёрловчилар бригадаси бошлиғи Одил Олимовни кўриб турибсиз. У ўз касбини яхши билган, аъло сифатли доиралар тайёрлайдиган юқори малакали ишчидир. Илғор ишчи шу кунларда смена топшириқларини мунтазам 120-130 процент адо этиб, меҳнаткашларнинг халқаро байрами —1 Майга муносиб меҳнат туҳфалари тайёрлаш учун курашмоқда.**

**СУРАТДА: илғор ишчи Одил Олимов.**

**Қ. Солиҳов фотоси.**

## Беш йиллик фондига ўтказилади

Охунбобоев номидаги бош кийимлар фабрикаси ишчи ва хизматчилари 19 апрель куни бўладиган Бутуниттифоқ коммунистик шанбалигига қизғин тайёргарлик кўришяпти. Шу муносабат билан корхонада шанбалик штаби тузилиб, бажариладиган ишлар программаси белгилаб олинди.

Шанбалик куни юксак меҳнат унумдорлигига эришилади. Меҳнат байрамида 550 ишчи ва хизматчи қатнашиб, улардан 495 киши ўз иш жойларида ишлайди.

Шу куни жами 37 минг сўмлик маҳсулот тайёрланади. Ишлаб топилган 1000 сўмлик маблағ ўн иккинчи беш йиллик фондига ўтказилади.

Илғор ишчилардан Мўътабар Икромова, Арофат Зуфарова шу куни юксак меҳнат унумдорлигига эришиб, смена топшириқларини 1,5 — 2 баравар ортиғи билан бажаришга аҳд қилиб қўйишди.

Меҳнат байрами куни корхона территориясини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича ҳам анча ишлар амалга оширилади. Бу ишларни корхонанинг инженер-техник ходимлари ва ёрдамчи ишчилари амалга оширадилар.

**Ғ. ЮСУПОВ.**

## ҲАМЖИҲАТЛИК БИЛАН

Акмал Икромов районидаги Усмон Юсупов номидаги маҳаллада 200 хонадон истиқомат қилади. Маҳаллага кирган ҳар қандай кишининг баҳри-дили очилади. Ҳар бир уй атрофи озода, кўкаламзорлаштирилган. Турли хил мевали дарахтлар ўтказилган.

В. И. Ленин туғилган куннинг 116 йиллигига бағишланган шанбалик олдидан ўтказилган ҳашардан сўнг маҳалла территорияси янада кўркамлашди. Шу куни ариқлар тозаланди, дарахтлар оқланиб, таги юмшатилди.

Маҳалла марказидаги Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлганлар хотирасига ўрнатилган ёдгорлик атрофига турли хил гул ва манзарали кўчатлар ўтқазилди. Маҳалла комитетининг раиси А. Одилов ва маҳалла активи А. Аҳмедовлар ташаббуси билан уюштирилган ушбу ҳашар ҳамжиҳатлик билан ўтди.

**М. АКРОМОВА.**

**Замондошимиз**



**Касбга меҳр. Бу сўзни у ёшлигида кўп эшитган. Бироқ эътиборсизлик билан тингларди.**

**Йиллар ўтди. Азиза ўқувчи бўлди. Мактаб қучоғида бахтиёр елиб-югурадиган қувноқ қиз меҳрибон ўқитувчилари оғзидан бу сўзни эшитганда ўйланиб қолди. Энди у балоғат ёшига етиб қолган, анча-мунча гапни маъносига тушуниб қолганди.**

**Ўшанда мактабда «Ким бўлсам экан!» деган темада суҳбат ўтказилди. Суҳбатга бутун коллектив, ота-оналар қатнашди. Тортишув кучайиб кетди. Сўзга чиқувчилар кўп эди. Ниҳоят навбат Азизага келди. У шарт ўрнидан туриб минбарга борди. Гапни лўнда ва қисқа қилди. Баъзи дугоналари сингари юксак чўққиларни кўзламади. Оддий ва содда қилиб:**

**— Менинг орзуим ишчи бўлиш, — деб қўя қолди.**

**Бу гапдан ҳамма ҳайратланди. Ахир мактабнинг пешқадам ўқувчиси шундай деб турса-я. Азиза билганидан қолмади. Ҳужжатларини олгач тўғри шаҳримиздаги «Эталон» заводига ишга келди.**

**Шогирд бўлди. Мустақил ишлади. Касбига меҳр қўйди. Ҳалол меҳнат унга бахт келтирди. Обрў қозонди. Корхонанинг фахрли ишчисига айланди.**

**У 14 йиллик меҳнати фаолиятида ҳамиша тиришқоқ ва чаққонлиги билан бошқалардан ажралиб турди. Коллектив унга катта ишонч билдириб, Куйбишев район Советига депутат қилиб сайлади.**

**СУРАТДА: коммунистик меҳнат зарбдори Азиза Ғафурова.**

**Т. Каримов фотоси.**

## ФИКР ЖЎШҚИНЛИГИНИ КОНКРЕТ ИШЛАР ЖЎШҚИНЛИГИГА АЙЛАНТИРАЙЛИК

**Илгари хабар берганимиздек, Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг бўлиб ўтган II пленуми «КПСС XXVII съезди якунлари ва шаҳар партия ташкилотининг съезд қабул қилган қарорларни бажариш борасидаги вазифалари»ни муҳокама қилди.**

**Бугун биз газетанинг иккинчи ва учинчи саҳифаларида Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари Б. Ф. Сатин доклади ҳамда пленумда сўзга чиққан нотиқларнинг нутқларини айрим қисқартиришлар билан эълон қилмоқдамиз.**

## Тошкент шаҳар Советининг сессияси

**БУГУН**

Тошкент область партия комитетининг мажлислар залида ўн тўққизинчи чақириқ халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг олтинчи сессияси бўлади. Сессияда «КПСС XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XXI съезди қарорларини ҳаётга муваффақиятли тадбиқ этиш бўйича халқ депутатлари Советларининг, Тошкент шаҳри меҳнаткашларининг вазифалари тўғрисида»ги масалалар, шунингдек «Шаҳар Совети депутатларининг депутатлик ваколатларини, Совет ва унинг органлари топшириқларини бажариш ҳақидаги ҳисоботлари» қараб чиқилади.

**(Сессия иши ҳақидаги батафсил ҳисобот газетада ёритилади).**

## Терминологлар конференцияси

Ҳозирги буюк ижтимоий ўзгаришлар ва мислсиз илмий-техника тараққиёти даврида тиллар тез ривожланмоқда. Фан-техника ва маданиятнинг турли соҳаларида юзага келаётган янгиликларнинг барчаси терминларда ўз ифодасини топмоқда. Янгича тушунчаларни ифодалаш учун ҳам янги терминлар пайдо бўлмоқда.

Терминларни нормаллаштириш ва тартибга солиш жуда катта илмий ва ижтимоий аҳамиятга эгалигини ҳисобга олиб, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси қошида Республика муассасалараро терминология комиссияси тузилди. Терминология комиссияси барча соҳаларни ўз ичига қамраб олган олти секциядан иборат бўлиб, бу секцияларни республикамизнинг етакчи олимлари бошқармоқдалар. Комиссиянинг 50 га яқин аъзоси бўлиб, улар ёзувчилар, турли соҳанинг етакчи мутахассислари ва тилшунос олимлардан ташкил топган. Бундай нуфузли терминологик комиссияга академик Э. Юсупов раҳбарлик қилмоқда.

Комиссия олдида турган асосий вазифа барча соҳалардаги терминларни тартибга солиш, уларни аниқ, ихчам ва талаффузга осон, қўлланишга қулай ҳолатга келтиришдан иборат. Бу ҳозирги давр талабидир. Кўриниб турибдики, бундай мураккаб иш фақат комиссия аъзоларининг иши бўлмай, балки барча зиёлиларнинг ҳам ишидир. Бу борада комиссия аъзоларига турли соҳа мутахассислари ўз таклиф ва мулоҳазалари билан ёрдам берадилар деган умиддамиз.

**БУГУН**

**Тошкентда «Ўзбек тили терминологияси ва унинг тараққиёти истиқболлари» мавзуидаги I Республика терминология конференцияси бўлиб ўтди. Конференцияда терминологиямизнинг муҳим назарий масалалари ҳақида терминларни илмий ўрганиш ва тартибга келтиришга бағишланган бир қатор докладлар тингланди.**

**Н. МАҲКАМОВ,**
**республика муассасалараро терминология комиссиясининг илмий секретари, филология фанлари кандидати.**

## ТАСС ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

## АМЕРИКАНИНГ ЛИВИЯГА ҚАРШИ АГРЕССИЯСИ

**ТРИПОЛИ. ТАСС мухбири Г. Шеленков хабар қилади:** Қўшма Штатлар суверен араб давлати — Ливия Жамахириясига қарши ваҳшиёна, ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайдиган агрессияни амалга оширди. 15 апрель кечаси ва эрталаб НАТОнинг Англиядаги базаларидан кўтарилган Ғ-111 Америка стратегик қирувчи-бомбардимончи самолётлари ҳамда Ўрта ер денгизидаги 6-флот зарбдор авианосецларидаги денгиз авиацияси Ливия пойтахти ва Бенғози шаҳри уй-жой кварталларини икки марта бомбардимон қилди. Тинч аҳолидан ўнлаб кишилар, жумладан, чет элликлар ўлдирилган ва ярадор қилинган. Ливия революцияси раҳбари М. Каддафи резиденциясига осмондан ҳужум қилинган. Ливия радиосининг хабар қилишича, М. Каддафи оиласининг баъзи аъзолари ярадор бўлган. Ҳужум натижасида Триполидаги Франция элчихонаси ва бошқа баъзи элчихоналар шикастланди.

Дастлабки маълумотларга кўра, Америка ҳарбийларининг қароқчиларча тажовузида ҳаммаси бўлиб камида 35 та бомбардимончи самолёт, шунингдек, заправкачи самолётлар ва кузатиб борувчи самолётлар қатнашган. Ливия ҳаво ҳужумидан мудофаа воситалари ўт очиб, Американинг учта самолётини уриб туширганлиги бу ерда эълон қилинди.

Қўшма Штатларнинг халқаро ҳуқуқ нормаларини ва БМТ Уставини бузиб, БМТ аъзоси бўлган мустақил давлатга қарши қуролли агрессияси Америка маъмуриятининг Ливияга қарши узоқ вақтдан буён авж олдириб келаётган ашаддий кампанияси доирасида амалга оширилди. Ана шу кампанияда Ливияни «терроризмда» қуруқдан-қуруқ ва асоссиз айблашдан бир баҳона сифатида фойдаланилди, бу айбларни Ливия раҳбарлари кўп марта рад этдилар. Аслида эса Америка «янги жаҳонгирлик» доктринасини рад этиб, арабларнинг қонуний ҳуқуқларини тиклаш учун, Яқин Шарқ проблемасини адолатли тарзда ва мустаҳкам ҳал этиш учун изчиллик билан кураш олиб бораётган Ливиянинг империализмга қарши қаратилган мустақил йўли Вашингтонга очиқдан-очиқ мақбул тушмаяпти.

